Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 15 июнь
ШАНБА
№ 114 (5.156).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси*

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 14 июнда Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқариб борди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов иштирок этди.

Депутатлар киритган тузатишлар ва мулоҳазалар комиссияларда муҳокама қилингандан сўнг Олий Кенгаши «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов маърузаси юзасидан «Ўзбекистон ССР Давлат солиқ идоралари тўғрисида»ги Низом қабул қилинди ва тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритилди.

Сўнгра иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Лойиҳаларни муҳокама қилишда халқ депутатларидан К. Сарсенов, М. Алимов, Н. Мелиқулов, Р. А. Усмонов, А. А. Айдарқулов, М. Каримов, М. Саидов, В. И. Криворучко қатнашдилар.

Олий Кенгаш иккала қонунни қабул қилди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилиш давом эттирилди. Музокараларда халқ депутатларидан Р. Раҳмонов, М. Ҳ. Ҳасанов, Муҳаммадсаид ҳожи Аҳмаджон Раҳматулло ўғли, Ўрта Осиё мусулмонлари диния бошқармасининг раиси, СССР халқ депутати муфти Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф сўзга чиқдилар. Қонун қабул қилинди.

Депутатлар «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда қабул қилдилар.

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети раисининг ўринбосари О. Маҳмудов «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатларидан М. О. Қобилов, Б. Тўйчибоев, Ҳ. Фармонов, А. Холбеков сўзга чиқдилар. Олий Кенгаш ушбу қонунни қабул қилди.

Конституциявий назорат комитетининг раиси Ш. З. Ўразаев «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар бу қонунни қабул қилиш учун овоз бердилар.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ҳ. М. Усмонова «ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов маърузаси юзасидан Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритдилар.

Мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Музокараларда депутатлардан Б. Қурбонбоев, А. Х. Тошкенбоев сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Халқ депутатлари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши баъзи комитетларининг таркибига ўзгартишлар киритдилар. Олий Кенгаш Б. Маҳситовни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Айрим вилоят ва Тошкент шаҳар судлари таркибига ўзгартишлар киритилди. Сессияда Ўзбекистон ССР ташкил этилган санани аниқлаш комиссияси тузилди.

Халқ депутатлари Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларини тасдиқладилар.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси шу билан ўз ишини тугаллади.





Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

# САМАРАЛИ ИШЛАБ, МЕҲНАТГА ТЎЛА ҲАҚ ОЛАЙЛИК

## Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг 1991 йил 12 июнь куни сўзлаган нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Кейинги сессиядан буён тўрт ой вақт ўтди. Биласизки, биз жуда тезкор ва ўзгарувчан замонда яшаяпмиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда мен бугун мамлакатимиз, жумҳуриятимиз ва ҳар бир инсон ҳаётида жиддий роль ўйнаган энг сўнгги воқеаларга ўз фикримни ва ўз муносабатимни билдиришим зарур, деб ўйлайман.

Менимча, гапни халқимизни ташвишга солаётган, кундалик турмушимизда қийинчилик туғдираётган муаммолардан бошласак маъқул иш бўлади.

Бугунги аҳвол ҳаммангизга аён. Мен мавжуд қийинчиликларни қисқача санаб ўтаман, холос. Аҳолини зарур моллар билан таъминлаш кундан-кунга оғирлашиб бораяпти. Нарх-наво ортгандан-ортиб, магазин пештахталари бўм-бўшлигича қолмоқда. Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви оқибатида жанжаллар келиб чиқмоқда. Хўжалик алоқалари бузилган. Жамоа тартиби издан чиққан. Бунинг натижасида оила ва шахс хавфсизлигига путур етаяпти.

Биз, раҳбарлар ва депутатлардан одамлар биз қайга бораётирмиз ва қандай жамиятни қураётганимиз ҳақидаги, олдинда ёруғ кунлар борми ва агар бўлса — ўша кунлар қачон келиши тўғрисидаги саволларга жавоб беришимизни кутмоқда.

Бизни ташвишга солаётган яна бир нарса — иттифоқ масаласи, яъни иттифоқ сақланиб қоладими ёки тарқаб кетадими?

Биз Ўзбекистонни мустақил ва суверен деб эълон қилдик. Бу соҳада қандай қадамлар қўйилаяпти?

Барча саволларни бир жойга жамласак, уни қисқа ва лўнда қилиб қуйидагича ифода этиш мумкин:

— Биз қачон бугунги хатарли ва хароб турмушдан қутуламиз? Қачон тинч ва осойишта ҳаёт кечира бошлаймиз.

Бу саволларга жавоб беришдан олдин бир нарсани унутмаслигимиз керак: халқимизнинг бугунги сиёсий савияси, онги ва миллий ғурури шундай кўтарилганки, эски, қуруқ гаплар ва ташвиқотлар ҳозир ҳеч қаерда ўтмайди. Ҳаёт ўртага қўяётган ҳамма масалани шуни ҳисобга олиб таҳлил этиш ва уларга ана шу нуқтаи назардан ёндошишимиз керак. Ким буни тушунмаса, хатога йўл қўяди.

Бугунги муаммоларнинг барчаси ва умумий кескинликнинг ортганлиги охир-оқибат натижада нарх-наво кўтарилиши масаласига бориб тақалади.

Нарх-наво ошиши жумҳурият ташаббуси билан бўлгани йўқ. Нарх-наво фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун мамлакат бўйлаб ошди — шуни яхшилаб эсда тутайлик.

Биз олдинги сессияда бозор муносабатларига ўтиш учун овоз берган эдик. Нарх-наво ошиши — бозор муносабатига ўтишдаги дастлабки қадамлардан биридир.

Мамлакат бозор иқтисодиёти йўлини танлади. Биз ўтган сессияда бу йўлга ўтишни муҳокама этган пайтимизда бозор муносабатлари қийинчиликлар келтиришини, шусиз ҳам қамбағал халқимизни баттар эзиб қўйишини аниқ тасаввур этган эдик.

Айни замонда биз ўтган сессияда бозор иқтисодиётига ўтишга доир ўз шартларимизни ҳам қўйган эдик. **Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олишни** талаб қилган эдик.

Жумҳуриятимизнинг аҳолиси ночор кун кечиради, унинг нақд ярми вояга етмаган ва ота-онасининг қўлига қараган норасида болалардир. Ўзбекистонда серфарзанд оилалар жуда кўп ва биздаги оила даромади иттифоқ даражасидан икки марта кам, деб айтган эдик.

Ўтган сессияда бизда аҳоли жон бошига даромад энг паст даражада деб, одамларимиз гўшт, сут ва ҳатто ҳўл мевани ҳам жуда кам истеъмол қилади деб, бизда касалхоналар, мактаблар етишмайди, бизнинг пенсионерларимиз оладиган нафақа жуда оз, бизда ишсиз юрган одамларнинг сони жуда кўп деб ҳам айтган эдик.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида буларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда, нарх-навонинг ошиши бизнинг ночор оилаларимизга кулфат келтиради.

Масала иттифоқ миқёсида кўрилган пайтда биз ўртага қўйган талабларнинг бир қисми инобатга олинди. Компенсация миқдори оз бўлса-да, ортди, болаларга нафақа тўланадиган бўлди, компенсация ва нафақа пули фақат ишлайдиган кишиларгагина эмас, балки барча аҳолига тўланмоқда.

Охирги жумлага алоҳида эътибор беришингизни сўрайман. Негаки, иттифоқ бўйича ҳар бир ишлайдиган одамнинг қарамоғида икки киши бўлса, Ўзбекистонда ҳар бир ишловчига 7 нафар боқиманда тўғри келади.

Афсуски, бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари ишлаб чиқилаётган вақтда бизнинг барча истакларимиз ҳисобга олинмади.

Эсингизда бўлса, бизга нарх-наво икки баравардан ошмайди, деб ваъда беришган эди. Аслида-чи? Аслида нарх-наво 3—4 баравар ошиб кетди.

Майли, енгил машиналар, зеб-зийнат ва олтин-кумушнинг баҳоси ошсин — оддий халққа бунинг таъсири кам. Лекин болалар кийими ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошиб кетди. Бу эса биринчи навбатда яна кўп болали ва кам таъминланган оилаларга кучли зарба бўлиб тушди. Бундай оилалар эса Ўзбекистонда айниқса кўп.

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпини бошқа жумҳуриятлардан олиб келади. Мамлакатда бугун кенг истеъмол молларини, энг зарур ашёларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ўзи хон, кўланкаси-майдон. Улар бизга молини «отасининг нархини» қўйиб сотишга ҳаракат қилишади.

Ўтган сессияда ўтиш даврининг мураккабликларини ҳисобга олиб, нон нархини оширмасликка қарор қилган эдик. Халқимиз учун, айниқса қишлоқ аҳли учун бу чора анча енгиллик берди. Лекин умумий нархнинг ошиб кетишини тўхтатиш имкони бўлмади.

Нон нархини оширмаганимиз тўғри бўлди, танлаган йўлимиз, қабул қилган қароримиз тўғри эканки, бизларни Ўрта Осиё жумҳуриятлари маъқулладилар.

Иккинчи яна бир муҳим масала — компенсация тўлаш масаласи. Иттифоқ бюджетидан унча-мунча ёрдам талаб қилиб олдик. Бу йилги ёрдам камида 16 миллиард сўмга етади. Лекин бу барибир камлик қилаяпти.

Нарх-навонинг кескин ошишига қараганда, авваламбор, қариялар, болалар, серфарзанд оилаларнинг аҳволини ҳисобга олсак, менинг фикримча, бериладиган компенсация миқдорини кўпайтириш керак. Ишчиларга, қарияларга 60—65 сўм, болаларга 40—80 сўм озлик қилади. Бу рақамларни 1,5—2 марта кўпайтирсак, одамлар талабини қондиришни оз бўлсада яхшилашга ёрдам беради.

Бу муаммони ечиш учун биринчи навбатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш керак. Аммо корхоналаримизнинг, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, колхоз-совхозларнинг аҳволи ҳозир молиявий жиҳатдан оқсаб қолган. Улар одамларга компенсация бериш у ёқда турсин, йил охирида ўз ҳисоб-китобини тўғрилаши ҳам амри маҳол. Шунинг учун биз уларнинг солиқ ва ажратмалар юкини енгиллаштиришимиз керак.

Одамларимизга, ишчиларимизга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш учун ҳар томонлама имконият ва резервларни қидириш билан бирга **ишлаб чиқаришда тартиб-интизом ўрнатишимиз**, барча одамларни иш билан таъминлашимиз зарур.

Ҳозир одамларимиз, сиз раҳбарлар бизларга шароит ва имкон беринглар, пешона тери тўкиб, кўпроқ, унумлироқ ишлаб, кўпроқ даромад топиб, тирикчилигимизни ўтказайлик, деб айтишаяпти. Жуда ҳақли талаб.

Биз, раҳбарлар, қаерда бўлмайлик, ишчининг, қурувчининг, деҳқоннинг ишини тегишли даражада ташкил қилиб беришимиз, моддий-техника таъминотини яхшилаб, қулай вазият вужудга келтириб беришимиз керак. Лекин шуни очиқ тан олайлик, бу талабларни тўлиқ бажаришга бизлар ҳали заифлик қилаяпмиз. Мамлакатда тартиб-интизомнинг пасайиб кетиши, бошқа регионлардаги ташкилотларнинг айби билан бизлардаги корхоналар фаолиятининг издан чиқиб кетиши, хўжалик ва иқтисодий алоқаларда тартибсизликлар — буларнинг ҳаммаси самарали ишни ташкил қилишда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Яна битта масала шуки, ҳозир ишсиз юрганларга бериладиган нафақа ҳам етарли эмас. Буни ҳам биз яхши тушунамиз.

Қарияларимиз, болаларимиз, ногиронларимиз таъминоти, уларга зарур бўлган имтиёзлар ҳақида гап кетганда тиббий ёрдамнинг яхши эмаслиги, дори-дармонларнинг танқислиги бизларни айниқса ташвишга солаяпти.

Кўпчилик қатори фақат ойликка қараб яшаётган ўқитувчилар, врачлар, давлат корхоналарида ишлаётганларнинг аҳволи кескинлашаётгани тездан тегишли чоралар кўришни талаб қилаяпти.

Озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига ўз вақтида ва етарли даражада етказиб бериш учун талон системасини жорий қилишга мажбур бўлдик. Бундан асосий мақсад — халқ таъминотини узлуксиз ва адолатли олиб бориш, таъминотни республика миқёсида назорат қилиб туришдир.

Савдо соҳасидаги нопок кишилар тўғрисида алоҳида гап бўлиши керак. Уларнинг найранглари ҳақида халқ ғазаб билан гапирмоқда.

Кимда-ким халқ таъминотида нопок йўлга қадам қўйса, уларга шафқат йўқ. Шуни ҳамма жойда очиқ-ойдин айтиб қўяйлик: халқ ризқига кўз олайтириб, бойлик орттириш ниятида бўлган кишиларни аяб ўтирмаймиз.

Бу борада депутатларимиз ўз нуфузларидан фойдаланиб, адолат ўрнатишса, ибратли иш бўларди.

Ўзбекистонда бошқа регионлардагига нисбатан кун кечириш бироз енгил эканлиги бизни хотиржамликка солмаслиги керак.

Халқимизга «Бутун мамлакатда аҳвол шундай оғир» дейишдан заррача наф йўқ. Ўз ғамимизни ўзимиз емасак бўлмайди. Келажагимиз яхши бўлиши учун якдил бўлиб биргаликда ишлашимиз лозим. Бу куч-ғайратимизнинг қандай тез ва қанчалик ижобий натижа бериши — жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ.

Хўш, жумҳуриятда ҳозир ижтимоий-сиёсий вазият қандай?

Мамлакат миқёсида бўлаётган барча ҳодисалар Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта. Лекин шунга қарамай, жумҳуриятимизда аҳвол бирмунча осойишта бўлиб турибди. Шунисига шукур қилишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

# НИҲОЛЛАР ДУРКУН

Бу йилги баҳор Хоразм воҳасида эрта келди. Бундан қувонган деҳқонлар кўкламги экиш мавсумини ҳар қачонгидан барвақт тугатишганди. Барча майдонларда чигит тўлиқ ундириб олинди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ишлари бир маромда олиб борилди. Бироқ май ойида кетма-кет ёққан кучли ёмғир, дўл ва сел мурғак ниҳолларга қаттиқ шикаст етказди. Пахтакорлар бундан гангиб қолмадилар. Дарҳол барча куч ва имкониятлар ғўза парваришига қаратилди.

Биз табиий офат оқибатларини тугатиб, тўлиқ пайкаллар яратиш ниятида тер тўкаётган Хива районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Ражаббой Тоиров бошлиқ бригадасида бўлдик.

— Бу йил пахтакорларга оғир бўлди, — деди Р. Тоиров. — Ғўзалар ривожи 10—12 кунга кечикди. Бир неча гектар ерга қайтадан уруғ қадашга тўғри келди. Қолганларини эса мутахассислар, кекса пахтакорлар маслаҳатларига қулоқ солган ҳолда парваришлаб, сақлаб қолдик.

Механизатор Оллақули Машарипов ғўза қатор ораларига меҳр билан ишлов бермоқда. Ражаббой ака бир сиқим тупроқни қўлига олди:

— Мана шундай миришкорлар билан ишласангиз юкингиз ерда қолмайди, — деди.

Далалар яшил либосга бурканган. Кечагина мана шу майдондаги ғўзаларни дўл урганди. Бугун эса деҳқон меҳрини эмган ниҳоллардан кўзингиз қувнайди.

Бу бригада вилоятда биринчилардан бўлиб оила пудратига ўтганди. Издошлар кўпайди. Барча экинзорлар 14 та йириклашган бригадага ажратилди. Уларда пахта билан бирга чорва учун озуқа, полиз ва сабзавот экинлари экилаётир. Ҳар бир жамоа етарли техника, ускуналар, ўғит ва машина билан таъминланган. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борди. Азаматлар шу кунларда ҳам дала юмушларида пешқадам.

— Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов ва ССЖИ Бош вазири В. С. Павлов хўжалигимиз далаларида бўлиб табиий офат оқибатлари билан танишиб керакли маслаҳатлар беришди, — деди хўжалик бошқаруви раиси Рўзимат Отажонов.

— Бундан руҳланган деҳқонларимиз дала ишларини авж олдирмоқдалар. Уларга шароит яратиб берганмиз. Шийпонлар деҳқоннинг иккинчи уйига айлантирилган. Бригадаларда мавсумий боғчалар ишлаяпти.

Пахтакорлар ғўза парваришини намунали ўтказиб мўл ҳосил тўплаш тараддудидалар. Қисқа муддатда 1460 гектар майдондаги ниҳоллар қатқалоқдан чиқарилди. Уруғ қадалган майдонларда биринчи комплекс ишлов бериш ва яганалаш уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Ж. ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

# ДОН ТОПШИРИЛМОҚДА

Сурхондарё дон қабул пунктларига янги ҳосил дони кела бошлади. «Гулбаҳор» ва Н. Муродов номли давлат хўжаликлари давлат буюртмаси ҳисобига буғдойнинг дастлабки туркумини топширди.

Вилоят хўжаликлари бу йил 22,5 минг тонна буғдой ва арпа топширишлари керак.

Қабул қилиб олинаётган ҳосил Шўрчидаги дон маҳсулотлари комбинатида қайта ишланиб, олинган маҳсулот вилоятнинг ўзида сотилади. Жумҳурият Президенти фармонига мувофиқ доннинг бир қисмини қишлоқдаги оилаларга бериш ҳам кўзда тутилган.

(ЎзТАГ мухбири).

# САМАРАЛИ ИШЛАБ, МЕҲНАТГА ТЎЛА ҲАҚ ОЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Бироқ мамлакатдаги оғир вазиятни баттар мураккаблаштириб, охир-оқибатда ўзларининг ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўлган кучлар бизда ҳам йўқ эмас. Улар мавжуд қийинчиликлардан фойдаланиб, одамларни қўзғатишга, миллатлар ва халқлар орасига нифоқ солишга уринмоқдалар. Одамларни қўзғатиш учун эса жуда катта ақл бўлиши шарт эмас. Мамлакатдаги вазият жуда жиддий. Бирор ёвуз ниятли одам гугурт чақса, ҳўлу-қуруқ баравар ёниши аниқ. Биз ана шундан эҳтиёт бўлишимиз керак!

Ур-йиқит, уй-жойларга ўт қўйиш, кишиларни қўпорувчилик ишларига ундаш — ғаламисларнинг иши. Вазият қанчалик кескинлашса, уларга шунчалик маъқул. Уларнинг мақсади аниқ — сохта доҳийлик минбарига чиқиш, гўё халқ ҳимоячиси бўлиб кўриниш. Улар тинч шароитда ўзларини кўрсатолмайдилар. Уларга албатта ур-йиқит, тўс-тўполон керак. Ана шунақа одамларга, шунақа доҳийларга мана бундай саволимиз бор: хўш, одамлар қўзғалиб кўчага чиқса, тинчлигини йўқотса, бир-бири билан жиққа-мушт бўлса, бундан халқимиз нима ютади ва нимага эришади? Бу оналаримиз ва аёлларимизга, кексаларимиз ва бола-чақаларимизга, ҳаммага азият ва ғам-ташвишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди.

Бугун Ўзбекистонда ўзларини «халқ ҳимоячилари» деб эълон қилган бир тоифа кимсалар куни кечагина бизларни бозор иқтисодига ўтишда бошқа регионлардан орқада қоляпсизлар, деб танқид қилган эдилар. Улар орасида «демократия Ўзбекистонга киролмай, остонада қолиб кетди», деб нолиганлари ҳам бор эди.

Биз албатта ўз имкониятимизни ва ўз шароитимизни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиётига ўтишга қарор қилдик. Турган гапки, бозор муносабатларига ўтиш турмуш даражасининг пасайиши ва нарх-наво ошишидан бошланади — бусиз ҳозирча мумкин эмас.

Мана энди нарх-наво ошиши билан «халқ ҳимоячилари» пластинкани дарров тескари ағдариб, «нега нарх ошади, ахир, халқ хонавайрон бўлади-ку!» деб бақиришга ўтдилар.

Ўзбекистонда демократия йўқ, Ўзбекистон — консерваторлар макони, деб жар солувчиларга битта маслаҳатимиз бор. Сизлар ҳам салпал мард бўлиб, эркакчасига бел боғлаб, ҳозирги оғир ва кескин вазиятда бақириқ-чақириқ қилмай, одамларнинг ҳаётини енгиллаштириш, уларга амалий ёрдам беришга бир ҳаракат қилиб кўринг, барака топгурлар! Четда туриб ҳамма нарсани қоралаш — бу номардларнинг иши.

Келинглар, калондимоғликни, тушунмовчиликларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, орамиздаги майдакашликка чек қўяйлик. Халқимизнинг тақдирини ўйлаб, ҳозир бошимизга тушган катта савдоларни, табиий офатларни тез кунларда бартараф қилиш учун елкадош бўлайлик. Бизга бошқа нарса керак эмас. Халқ биздан шуни кутяпти.

Жумҳуриятимизда қандай қийинчиликлар бўлмасин, муаммоларни ечиш учун анча-мунча ишлар қилинаяпти. Шунга тан бериб, тўғри баҳолаш керак. Шу жумладан: нон нархини ўз ҳолида қолдириш; ёш оилаларга ёрдам пули бериш; студентлар ва ўқувчи ёшларнинг овқатини арзон этиш; мактаб формаси ва болалар пойабзалини арзонлаштириш учун жумҳурият бюджетидан маблағ излаб топилди. Ўзбекистонда яшаб турган кишилар яна кўпгина хайрли ишлар қилинганлигини яхши биладилар. Улар бу ишларнинг самарасини кундалик турмушларида яққол ҳис этмоқдалар.

Иттифоқда чиқаётган баъзи бир рўзномалар жумҳуриятда қилинаётган ижобий ишларни кўролмасдан, ҳар хил бўҳтон гапларни тарқатишга уринаяптилар.

Хўш, уларнинг даъволари нималардан иборат?

Эмишки, гўё Президент Каримов «пахта иши» бўйича қамалган кишиларни ғайри қонуний тарзда турмадан чиқариб юбораётган эмиш. Гўё у ночор пенсионерларга тўлаётган ёрдам ҳам ноқонуний эмиш. Гўё у ноқонуний тарзда томорқа берган эмиш. Гўё у одамларнинг шахсий чорвасига ноқонуний тарзда ем-хашак бераётган эмиш. Умуман олганда, Президент Каримов бу қолоқ ва камбағал жумҳуриятда қаердан пул топади?...

Бизнинг уларга берадиган жавобимиз шу: Ўзбекистон — мустақил жумҳурият, унинг ўзи танлаган йўли бор. Биз кишиларимизнинг турмушини енгиллатиш учун барча чораларни ишга соламиз.

Ташаббус — биздан чиқаяпти, ишни халқимиз қилаяпти, ўртоқлар. Халқимиз ўз пешона тери билан, ўз меҳнаткаш қўли билан қилаяпти бу ишларни. Бу ишларни кўрмаслик — кўрликдир.

Сабр-тоқати, мардлиги ва матонати учун халқимизнинг қаршисида тиз чўксак арзийди. Халқимизнинг шаъни ва ор-номусини ҳимоя қилиш учун, унинг шуҳратини тиклаш учун, унинг анъаналарини ҳимоя этиш учун ҳеч нарсани аямаймиз, йўлимиздан қайтмаймиз. Зотан, бизлар ўзининг ноиблари этиб сайлаб, бизга ўз ваколатини топширган халқнинг иродасини бажараётирмиз.

Энди энг долзарб иқтисодий вазифалар ҳақида гаплашиб олайлик. Бизлар бугунги оғир аҳволдан қутилиш учун қандай ишларни амалга оширишимиз лозим?

Биз аввало одамларнинг нормал турмушини ташкил этишимиз, уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиб беришимиз, уларнинг хавфсизлигини таъминлашимиз, уларнинг қадр-қимматини ҳимоя қилишимиз, ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва ҳар бир хонадонда осойишталикни қарор топтиришимиз зарур. Корхоналар ва қурилишларнинг моддий-техника таъминотини нормаллаштиришимиз, уларнинг бир меъёрда ишлаши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Шахсий томорқадан унумли фойдаланиш керак. Шундагина бозордаги нарх-наво пастга тушади. Баъзи жойларда бир сотих ердан 3 минг сўмгача даромад олаётган бўлсалар, бошқа жойларда бундай даромад 300 сўмга ҳам етмайди. Экинсиз қақраб ётган томорқаларимиз ҳам бор. Бунга чек қўйиш керак.

Жамоа хўжаликлари эски, қотиб қолган иш услубини тутиб, фақат пахтадан даромад олиш билан чекланиб қолмасин. Даромаднинг бошқа манбаларидан ҳам унумли фойдаланиш даркор. Айрим раҳбарлар тадбиркорлик қилиб, жамоа хўжаликларида кичик-кичик корхоналар очмоқдалар. Гилам тўқиш, ғишт цехларини ташкил қилмоқдалар. Шундай раҳбарларга офарин деймиз, раҳмат айтамиз. Ҳозир буйруқ кутиб ўтирадиган пайт эмас. Мустақил ҳаракат қилмоқ керак.

Бу йил кўклам фасли оғир келди. Жумҳуриятимиз табиий офатдан катта зарар кўрди. Шунча азобдан кейин деҳқонларимиз пешона тери билан етиштираётган ҳосилни сотишга бефарқ қарай олмаймиз. Маълумки, илгарилари маҳсулотимизни марказий шаҳарларга жуда арзон, арзимаган баҳога сотардик. Энди бу тартибни қайта кўриб чиқишимиз керак.

Москва ва Ленинград билан шартнома имзоладик. Шунга кўра маҳсулотларимиз эвазига улар бизга гўшт, техника, асбоб-ускуналар етказиб беради. Пул қадрсизланган ҳозирги шароитда бу жуда оқилона йўлдир. Бироқ Ўзбекистонни озиқ-овқат, гўшт ва сут маҳсулотлари ва айрим материаллар билан таъминлашда бундан бошқа реал йўлимиз йўқ.

Барча жамоа хўжаликлари маҳсулотнинг 60 фоизини давлатга сотгандан кейин қолган қисмини ўзи сотиши лозим. Шахсий хўжаликлар эса бунда бутунлай эркин, 100 фоиз маҳсулотини ўз хоҳишига кўра сотаверади.

Яқинда шахсий хўжаликлар уюшмаси тузилди, унга ёрдам тариқасида 1 миллиард сўм пул ажратилди.

Маҳсулотни қайта ишлаш туфайли деҳқонларга қўшимча даромадлар олиш имконияти туғилади. Бизнинг тавсиямиз шуки, палапартиш, арзон-гаровга сотгандан кўра, шу уюшма орқали яхши баҳоларга сотиш жуда маъқул.

Қишлоқлардаги жамоа хўжаликларини айрим солиқлардан озод қилишимиз лозим. Бу мураккаб масала. Аммо бунга йўл топишимиз керак. Бу хўжаликларга қўшимча мадад беради.

Келинглар, ҳар бир меҳнат жамоасида унумли ишлаб, ишни яхши йўлга қўйиб, даромадни кўпайтирайлик. Бу эса ишлаётганларга тўланаётган компенсацияни ошириш, яъни тўлов пулини ҳозиргидек 60 сўм эмас, балки 100 сўмга етказиш имконини беради.

Тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги масала Президентнинг алоҳида назоратида бўлиши керак деб ҳисоблайман. Бизнинг шароитда бу энг мураккаб масалалардан биридир, чунки бу кишилар фақат давлат бюджетидан бериладиган иш ҳақи ва тўловлар ҳисобига яшайдилар. Шунга қарамасдан уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур. Шунинг учун бюджетдан топилган ҳар бир сўм пул уларга аталиши керак.

Одамларнинг қўлида пул бўлиши билан бирга харид қиладиган товар ҳам бўлиши керак. Бу айниқса қишлоқ жойларида энг зарур. Бунда 10—15 турдаги товарлар доимо сотувда бўлиши лозим. Чет эллардан айниқса зарур озиқ-овқатлар, болалар кийим-кечакларини сотиб олишга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бир неча кундан кейин Тошкент шаҳрида «Ишбилармонлар учрашуви» иш бошлайди. Унга 50 мамлакатдан 500 дан ортиқ киши келиши кутилмоқда. Бу тадбир чет эл савдо-саноат доиралари билан ҳамкорлик юзасидан келгусидаги катта ишларимиз дебочаси бўлишини истардик.

Жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришимиз, тартиб-интизомни ҳамма жойда тағин ҳам мустаҳкамлашимиз керак.

Халқ бошига тушган бугунги қийинчиликлардан ўзига бахт қидирувчи нопок одамларнинг танобини тортиб қўйишимиз даркор.

Республикамизда шу йил май-июнь ойларида бўлиб ўтган табиий офат оқибатларини тугатиш тўғрисида бир неча оғиз сўз. Етказилган умумий зиён 500 миллион сўмдан кўпроқ деб ҳисобланмоқда. Бироқ бошпанасиз қолган кишиларнинг маҳрумликлари ва чеккан азоб-уқубатларини, кунни тунга улаб, далалардаги ҳосилни қутқарган, фалокатдан жабрланганларга ёрдам берган кишиларнинг фидокорона меҳнати ва қаҳрамонлигини (бу ерда шу сўзлар жуда ўринли деб ўйлайман), ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Мамлакат Бош министри В. С. Павлов Ўзбекистонда бўлганидан кейин Иттифоқ бизга ёрдам кўрсатди. Ушбу минбардан туриб шуни айтиш учун тўла асос борки, зарар кўрган шахсий хўжаликларга ва хусусий кишиларга компенсация тўла-тўкис ва кечиктирмай тўланади.

Энг долзарб масалалардан яна бири — Иттифоқ тақдири масаласи. «Суверен давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартноманинг лойиҳаси ҳам сессия кун тартибида борлиги бежиз эмас, албатта. Бу масалани ҳал қилишда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг давлат мустақиллиги ҳақидаги ўзимиз якдиллик билан қабул қилган декларациямиз асос бўлиши керак. Мустақиллик ҳақида декларация қабул қилган эканмиз, унга тўла ва оғишмай амал қилишимиз шарт.

Депутат ўртоқлар! Ҳаммамиз ҳақиқат кўзига тик қарашимиз керак. Ҳали жуда катта синовлар олдимизда турибди. Бу синовлар қанча давом этишини ҳозир аниқ айтиш қийин. Ана шу синовлардан халқимизни, бизларга ишонган фуқароларни бурнини қонатмасдан, маҳрумликларга йўл қўймасдан, келажакдаги порлоқ ҳаёт учун замин тайёрлаб ўтсак яхши бўлади. Шундагина зиммамиздаги бурчни бажарган, одамларнинг ишончини оқлаган бўлур эдик. Эски кайфиятда юрганлар қаршилик кўрсатиб, осонликча йўл бермайдилар. Бироқ танланган йўл Ўзбекистоннинг янгиланган иттифоқда мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий мавқега эга бўлишига олиб келиши лозим. Жумҳуриятимизнинг ҳамма бойлиги — ер остидагиси ҳам, ер устидагиси ҳам халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг фаровонлигига хизмат қилиши керак.

Чет эллар билан ўзимиз бевосита алоқада бўламиз, муносабатлар ўрнатамиз.

Ўзбекистон келажакда тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўладиган кун келишига аминман, ўртоқлар. Бу бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу — халқаро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, жумҳуриятда яшовчи барча эрксевар фуқаронинг истагидир.

Ўзбекистон суверен давлатлар иттифоқига тенг ҳуқуқли давлат сифатида кириши мумкин. Бундан бошқа йўл йўқ. Бундан бошқа йўлни халқимиз рад этади.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Олдимизда халқимизнинг турмушини енгиллаштиришга, иқтисодиётимизни оғир танглик ҳолатидан олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар ва қарорларни ишлаб чиқишдек катта меҳнат талаб қиладиган жиддий ишлар турибди. Биз амалга оширмоқчи бўлаётган барча ишларнинг муваффақияти Ўзбекистондаги сиёсий барқарорликка, миллий ва фуқаро тотувлигига, жамият барча соғлом кучларининг жипслашувига боғлиқдир. Келинглар, ўзаро гина-кудуратлардан, лаҳзалик эҳтирослар ва сиёсий манманликдан воз кечиб, бир ёқадан бош чиқарайлик, аҳиллик билан амалий ишларни бажаришга киришайлик. Бу йўлда бизга омад ёр бўлсин.

Ҳаммангизга муваффақият тилайман!

(Нутқ қисқартирилган стенограмма бўйича босилмоқда).

---

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### «МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси маъқуллансин.

2. «Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартномани имзолаш учун Ўзбекистон ССР делегацияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

**Каримов** Ислом Абдуғаниевич — Ўзбекистон ССР Президенти

**Йўлдошев** Шавкат Муҳитдинович — Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

**Мирсаидов** Шукурулло Раҳматович — Ўзбекистон ССР вице-президенти

**Азимов** Сарвар Олимжонович — Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири.

**Алламуродов** Бўри Алламуродович — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

**Зокирова** Замирахон Мўйдиновна — Охунбобоев номли Қўқон тикувчилик фабрикасининг тикувчи мотористкаси

**Исматов** Маҳмуд — Ўзбекистон ССР Деҳқонлар иттифоқининг раиси

**Крушельницкий** Виктор Александрович — «Ташстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-автокорхонасининг ҳайдовчиси

**Козлов** Владимир Алексеевич — «Голодностепирмонтаж» тресги 2-кўчма механизациялашган колоннасининг слесарь-монтажчилар бригадири

**Маликов** Муҳаммадбобир Мажидович — Ўзбекистон ССР адлия вазири

**Мирзаев** Саидраҳмон Шоабдиевич — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш қўмитаси раисининг ўринбосари

**Носиров** Пўлатжон Хайруллаевич — Ўзбекистон ССР иқтисодиёт қўмитаси раисининг ўринбосари

**Салоҳиддинов** Маҳмуд— Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти

**Тожиев** Амин Ҳамроевич — Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашининг Раиси

**Уразаев** Шавкат Закариевич — Ўзбекистон ССР конституциявий назорат қўмитасининг раиси

**Халилов** Эркин Ҳамдамович — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси

**Хўжаев** Эркин Норматович — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитасининг раиси

**Шамшетов** Даулетбой Нуратдинович — Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгашининг Раиси.

3. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг делегацияси: заруратга қараб мутахассислар жумласидан маслаҳатлашувчи гуруҳлар тузсин;

мустақил давлатларнинг янгиланган федерацияси таркибида Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлайдиган Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган қоидаларни қатъий ва изчиллик билан ҳимоя қилсин;

«Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартномани имзолаш чоғида қилинган ишлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига ахборот берсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 13 июнь.

---

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани муҳокама этиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 13 июнь.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани муҳокама этиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 13 июнь.

---





**Дўстлик районида ўзларининг ҳалол меҳнати, сермазмун ва ибратли ҳаёт йўли билан ном қозонганлар талайгина. Узоқбой Худойбердиев ана шулардан бири. У етакчилик қилаётган звено баҳорда 42 гектар майдонга маккажўхори уруғи қадаганди. Ҳозиргача экинлар бир неча марта озиқлантирилди. Ҳар гектар ердан 50 центнердан маккажўхори дони олишга бел боғлаганмиз, дейди саркор.**

СУРАТЛАРДА: 1. Маккажўхорига ишлов берилмоқда. 2. Миришкор деҳқон У. Худойбердиев.

У. ҚЎШВОҚОВ олган суратлар.

## ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

**Оржоникидзе районидаги «Қибрай» давлат хўжалиги 3-бўлими боғбонлари Тошкент шаҳри аҳолиси учун 50 тоннадан ортиқ гилос етказиб беришди. Фарҳод Рафиқов бошчилик қилаётган бўлимнинг жами 40 гектар мевазори бор. 20 гектарлик боғда гилос узиш қизғин бормоқда. Терилган мева жадаллик билан шаҳарга жўнатилмоқда.**

**— Кунига 4—5 тоннадан ҳосил териляпти, — дейди мевачилик бригадаси бошлиғи Умриниса Улуғхўжаева. — Йўлдош Охунбобоев номидаги табобат ва ижтимоий таъминот техникумларининг талабалари бу ишда бизга кўмакдош бўлмоқдалар. Пойтахт аҳолисига мавсумда жами 75 тонна гилос териб беришни мўлжаллаб турибмиз.**

**Хўжаликнинг миришкор боғбонлари эртаги шафтоли теришни ҳам бошлаб юборишди.**

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

## Хориждан хабарлар

БУХАРЕСТ. (ТАСС мухбири Дмитрий Дьяков). «Тудор Владимиреску» дивизияси таркибида Совет Армияси билан биргаликда Европани фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашган руминиялик офицерлар гуруҳига бугун 1 ва 2-даражали Улуғ Ватан уруши орденлари топширилди. СССР Олий Кенгаши Раёсати номидан ва унинг топшириғига биноан мукофотларни СССРнинг Руминиядаги элчиси Феликс Богданов топширди.

Руминия фахрийлари миллий уюшмаси раиси генерал-лейтенант Марин Драгня мукофотланганлар номидан иккинчи жаҳон урушида Гитлерга қарши иттифоқнинг ғалабасига Руминия жангчиларининг қўшган ҳиссасини эътироф этганлиги учун СССР раҳбариятига миннатдорчилик билдирди ва армия фахрийлари қитъада тинчликни сақлаб қолиш, СССР билан Руминия халқлари ўртасида, икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирди.

Мукофотларни топшириш маросимида Руминия миллий мудофаа вазири генерал Константин Спирою қатнашди.

●

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Оқ уйнинг матбуот котиби Марлин Фицуотер журналистлар билан навбатдаги учрашувда АҚШ маъмурияти «Аввалгидек олий даражада Совет-Америка учрашувини ўтказишга ҳаракат қиляпти», деди. Бироқ у учрашувни июнь ойида ўтказиш имконияти кўринмаяпти, чунки «стратегик ҳужум қуроллари масаласидаги қолган келишмовчиликлар бартараф этилиши керак», деб илова қилди. «Менимча, учрашув июль ойида бўлади», — деди Фицуотер.

«Учрашувни ҳеч ким истисно қилаётгани йўқ, —деб давом этди Оқ уй вакили.— Чамаси, қолган масалаларни муҳокама қилишни кейинги ҳафта ёки икки ҳафта давомида туғаллаш имконияти мавжуд бўлса, бу жуда яхши бўлур эди. Лекин, менимча, музокараларнинг қатнашчилари вазиятни баҳолаб, қийин муаммолар мавжудлигини ва уларни ҳал қилиш учун кўпроқ вақт талаб этилишини тушундилар».

---

*Ҳар соҳанинг ўз саркори бор*

# НИЯТИМИЗ— ҚУРИШ, ЯРАТИШ

Қурувчилик —машаққатли касб. Куннинг жазирама иссиғида, қаҳратон совуқда қурилишда ишлаётган кишиларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ташкилотимиз ишчи-хизматчилари кўплаб турар жой, маъмурий ва маиший биноларни қуриб, фойдаланишга топширмоқдалар. Фрунзе номли жамоа хўжалиги кичкинтойлари учун қиммати 342 минг сўмлик 95 ўринли болалар боғчаси, «Пешку» давлат хўжалигида 189 минг сўмлик ҳаммом, 360 ўринли мактаб биноси, 443 минг сўмлик 700 бош қорамолга мўлжалланган ферма қуриб фойдаланишга топширилди. Аҳолига йилига 12 миллион дона пишиқ ғишт етказиб берадиган завод қурдик.

Корхонамизда ўнлаб ўз касбининг фидойилари бор. Яхши ташаббус, ибратли ишлар уларнинг мураббийлиги ёрдамида амалга ошмоқда. Қурувчилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратиб, иззат-обрў топаётганлар ҳам анчагина. Булар вилоят Ленин комсомоли мукофоти соҳиби, кранчи Акрам Муқимов, тажрибали қурувчилар Рўзи ака Қобилов, Тўймурод Бобоев ва бошқалардир. Шу каби инсонларнинг жонкуярлиги туфайли квартал, йиллик режалар ошиғи билан адо этилмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериб, топширилган иш учун масъулиятни ошириб, социалистик мусобақани қизитмоқдамиз. Касаба уюшмаси комитети тавсияларига кўра илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан ўз вақтида рағбатлантирилаяпти. Бу қурувчиларни янада самаралироқ ишлашга даъват этмоқда. А. Муқимов, Ш. Раҳматов, И. Бахтиёров, И. Султонов сингари пешқадамлар енгил автомашина ва мотоцикллар билан рағбатлантирилгани фикримизнинг исботидир.

Жўрабой Маъмуров, Ҳавас Тўйев, Тўймурод Бобоев сингари пешқадам ишчиларимиз режа-топшириқларни мунтазам ошириб бажаришмоқда. Улардан ўрнак олиб меҳнат қилаётганлар сафи эса тобора кенгаймоқда. Ҳозир ташкилотимизда 208 кишини бирлаштирган 11 та бригада пудрат асосида ишламоқда. Тажрибали қурувчилар етакчилик қилаётган бригадалар бу усулнинг нечоғли самара беришини амалда исботламоқдалар.

Корхонамизда мураббийлик ҳаракати, ёшларни ишчилар сафига қабул қилиш, энг яхши касб эгасини аниқлаш, мусобақа илғорларини шарафлаш анъана тусига кирган. Яқинда биз кекса ишчи Боқи Неков ва Шариф Раҳматовларни тантанали равишда пенсияга узатдик. Рўзи Қобилов тажрибали қурувчи. Умрининг 28 йилини қурилишга бағишлаган. Меҳнат фаолиятида ўндан ортиқ ёшларни тарбиялаб, мустақил меҳнат



қилишга ўргатди. Ҳозирги кунда мусобақалашиб ишлаётган Рамазон Муродов, Шароф Жамилов, Салим Холов сингари ёшлар у кишининг шогирдлари ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, эришаётган ҳар бир ютуғимизда бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турувчи 26 нафар коммунист авангардлик қилишмоқда. Шунингдек, биз улар сафини синалган ёшлар ҳисобига тўлдиришга ҳам эътибор бераяпмиз. Яқинда Мардон Пиров, Ҳавас Тўйев, Акбар Жумаев сингари илғорларни КПСС сафига қабул қилдик. Яна икки-уч нафар ёшларимиз Коммунистик партия сафига ўтиш учун ариза беришган.

Пирназар Яхшиев, Баҳриддин Ҳасанов, Бахтиёр Жумаев сингари ёшлар бизга келганларида ҳеч қандай касбга эга эмас эдилар. Улар мураббий Рўзи ака Қобилов ёрдамида ҳунар эгаллаб, илғорлар қаторида тилга тушишди. Шуҳрат Жамилов ва Жўрақул Ҳодиев эса корхонамизда касб орттириб қолмасдан, ўз билимларини ҳам оширмоқдалар. Бири Бухоро технология институтида, иккинчиси қурилиш техникумида таълим олмоқда.

Қурувчиларнинг дам олиш кунларини кўнгилли ўтказиш учун баъзи ишларни қилаяпмиз. Уларга дам олиш учун йўлланмалар берилмоқда. Карим Раҳимов, Рамазон Муродов каби пешқадамлар Кавказда бўлиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. 32 нафар илғор ишчи касаба уюшмасининг ташаббуси билан Тожикистон жумҳурияти бўйлаб саёҳатда бўлишди.

Ёшларга қулайликлар яратмоқдамиз. Жумладан, Совет Армиясидан қайтган йигитлар бизга ишга кирган тақдирда жуда кўп имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, корхонада армия сафига чақирилгунга қадар бир йил ишлаган бўлса ва хизматдан сўнг ўз жамоасига қайтса, хизматдаги пайти учун ҳам 13-маош тўланади. Тўғридан-тўғри ҳарбийдан ишга келганлар эса 10 сўм миқдорида пул олишади. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ва сиртқи бўлимларга ўқишга кириш имтиёзларидан ҳам тўла фойдаланишади. Бинобарин, ишхона ҳисобидан оширилган стипендия олиб, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқишлари ҳам мумкин.

Бизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Улардан бири — кадрлар қўнимсизлиги. Уни бартараф этиш учун бор имкониятларимиздан фойдаланмоқдамиз. Хўш, кадрлар қўнимсизлигига нималар сабаб бўлмоқда? Меҳнат шароитининг яхши эмаслиги, маиший шароитлар, ўзаро шартномаларнинг бажарилмаётганлиги ва бошқалар. Биз ҳозирда уларни тугатишнинг йўлларини қидирмоқдамиз.

Ёш ишчи топшириқни бажаролмай ёки меҳнат интизомини бузган ҳолда ишдан кетаётган ҳоллар ҳам бўлиб туради. Уларни олиб қолиш учун тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Агар 1989 йилда ташкилотимизда жами 62 нафар киши ишга қабул қилиниб, 48 киши бўшаб кетган бўлса, бу кўрсаткич 1990 йилда кескин камайди. Хуллас, муаммолардан қатъий назар жамоамиз аъзолари бир оила фарзандларидек, ҳамжиҳатлик билан ишлаб, топшириқларни шараф билан уддаламоқдалар.

**Н. СУЛТОНОВ,**
**Пешку районидаги хўжаликлараро механизациялашган 202-кўчма колонна бошлиғи.**

